

100170, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri,
Mirzo-Ulug'bek tumani, Mustaqillik shoh ko'chasi, 107.

107, Mustakillik avenue, Tashkent
city, 100170, Republic of Uzbekistan

Telefon/Telephone: +998 (71) 211-09-09 Websayt/website: www.deponet.uz / www.uzcsd.uz Email: info@uzcsd.uz / uzcsd@exat.uz
Hisob raqami/The settlement account: 20208000804014949001, «Ipak yo'li» AITB Mirobod filiali, MFO 01101, STIR 203021987, OKONX 66190

26 aprel 2024 yil.

02/10-1924-son

“BIOKIMYO” АЖ корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисида

ХУЛОСА

Қайси корхона учун тайёрланди

“BIOKIMYO” АЖ

Юридик манзил

112 004, Узбекистон Республикаси,
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани,
Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1 уй

Банк реквизитлари

x/p 20210000500129657001, Тошкент вил.,
АИТБ «Ипак йўли банк» Янгийўл тумани
филиали, банк коди 01081

Қайси корхона томонидан тайёрланди

“Қимматли қоғозлар Марказий
депозитарийси” акциядорлик жамияти

Юридик манзил

100 170, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек
тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй
тел: 998 (71) 211-09-09(160)

Телефон/факс:

Давлат рўйхатидан ўтганлик
тўғрисидаги маълумотлар

Банк реквизитлари:

x/p 20208000804014949001, Тошкент ш.,
АИТБ “Ипак Йули” Миробод филиали,
банк коди 01101

Бош директор

Абдужаббаров Шерали Янгибаевич

Баҳолашда иштирок этган
мутахассиснинг фамилияси, исми ва
отасининг исми

Абсаламов Э.Б.

“BIOKIMYO” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив бошқарув тизимини
баҳолаш тўғрисидаги хulosasi “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик
жамияти (кейинги ўринларда – Марказий депозитарий) томонидан тайёрланди.

Марказий депозитарий “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли
қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари

тўғрисида”ги 263-сонли қарори, Устав хамда бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Марказий депозитарий акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳукуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (ҳозирда – Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

Марказий депозитарий фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳсласишилмади. Баҳолаш амалга оширилгандан кейин Марказий депозитарийга келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга қўра тақдим этилмаган ҳужжатлар Марказий депозитарийнинг кўриб чиқиши доирасига киритилмади.

Марказий депозитарий Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

2024 йил 1 чорак якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси **1003 бални** ташкил этди ва Марказий депозитарийнинг хулосасига мувофиқ Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси **юқори** деб эътироф этилади.

Бош директор ўринбосари



А. Юсупходжаев